

Бухоро жадидчилар мактаби асосчиларининг хаёти ва илм-фандаги фаолияти



“ЖАДИДЛАР: МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИСТИҚЛОЛ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг
янги, юксак босқичига кираётган
ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз
каби ғарб илм-фан ютуқлари билан
бирга, миллий қадриятлар руҳида
тарбия топган етук кадрлар сув билан
ҳаводек зарур.



Ш.М.Мирзиёев

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

- ▶ Бухородаги ислохотчилик ҳаракати Овруподаги илғор ғоялар таъсирида XX аср бошларида вужудга келди. Тараққийпарвар миллий зиёлилар Россияга мустамлака бўлган бу ўлканинг умумжаҳон тараққиётидан тобора ортида қолаётгани, иқтисодий, диний, маънавий соҳада юзага келган турғунликни англаб, кенг кўламли ислохот йўлида кураш бошлади.
- ▶ Бухородаги ислохотчилик ҳаракати мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Кўхна заминда жадидчиликнинг вужудга келишида XX аср бошларида Россия, Эрон, Туркияда кечган инқилобий ҳаракатлар, амирликдаги маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти муҳим аҳамият касб этган.

Жадидчилик — ўзи нима?

“Жадид” сўзи “янги” демакдир – фикрда, ахлоқда, илмда, Ватанга муҳаббатда янгиланиш демакдир.

Яқин тарихда ўтган жадид боболаримиз миллат ойдинлари эди. Улар маънавий-маърифий, адабий-илмий, моддий-техникавий соҳаларда янгиликка интилишди. Инсон ҳурлигини қадрлашди. Ватан истиқлоли ва миллат истиқболи учун жон фидо қилишди.

ЖАДИДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯСИ

Файзулла Хўжаев Бухородаги жадидчиликнинг Туркистондаги ислохотчилик ҳаракатидан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиб бундай ёзади: “Бухорода ҳаракат бошқа йўл билан борди. Бухоро жадидчилиги деҳқонлар ва майда савдогарларга тушадурган солиқ оғирлиқларини енгил қилиш ҳам солиқ ишларини умумий тартибга солиш тўғрисида очилган гапдан бошлаб, тадрижий суръатда кўп аъзолар, шўбалар ва Бухоро халқининг ҳар хил табақалари орасидаги ўзига хайрихоҳ омма билан бирга ҳақиқий бир яширин жамиятга айлана борди”

Умуммиллий ғоя – энг улуғвор мақсаддир!

- ▶ Жадиждарнинг фикрича, миллатни улуғлаш, мақсадларни юқори кўтариш, миллатнинг ҳақиқий бирлиги – бу “умуммиллий ғоя”нинг туб моҳиятини ташкил этади. Туркистон жадиждилиги Россия империясидаги бошқа мусулмон минтақаларидагига нисбатан анча кеч, XX аср бошларида майдонга келди. Ушбу ҳаракатнинг асосини Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива вакиллари ташкил этди. Айнан ана шу зиёли қатлам Туркистон мусулмонлари учун миллий ғояни шакллантириб берди. Туркистон жадиждилигини тадқиқ этувчи айрим олимларнинг таъкидлашларича, маҳаллий жадиждар 1917 йилга қадар умумий бир дастурга эга бўлмаганлар. Уларнинг фикрича, туркистонликларнинг дунёқарашини бир қадар ўзгартира олган Фитратнинг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи” асарлари 1917 йилга қадар туркистонлик жадиждарнинг норасмий дастури сифатида қабул қилинган эди.

Бухорода жадиidler мактаблари очишлиши

1908 йилнинг 23 октябрь Абдувоҳид Мунзим Бухорода Садриддин Айний билан Саллоҳхона гузарида жойлашган ҳовлисининг меҳмонхонасида янги усул мактаби ташкил этади. 1909 йил баҳорига келиб, Абдувоҳид Мунзим мактаби ўқувчилари сони 30 дан ортади. Мактабнинг шуҳрат тоғани ва халқнинг рағбатини кўрган айрим муллаларнинг унга қарши ҳаракат вужудга кела бошлайди.

Мактаб асосчилари 1909 йил октябрда бир йиллик таҳсил якунланиши муносабати билан ўқувчилардан имтиҳон олишга қарор қиладилар. Имтиҳоннинг очилиш маросимида муфти Муҳаммад Икром Абдусалом ўғли янги мактаб афзалликлари ҳақида шундай деган:

“Биродарлар! Ёш болаларнинг оз фурсатда шунча керакли нарсаларни ўрганганларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мен бу мактабни шариатга мувофиқ ва мусулмонларга фойдали деб билдим. Агар сизнинг назарингизда, бузук ва хилофи шаръий ерлари бўлса, сўйлангиз! Токи маслаҳат билан ислоҳига қўшиш қилайлик”.

Бухоро янги усул мактабларига мутаасиблар тазйиқи

- ▶ Бурҳониддин раис бошчилигида Қамариддин, Холмурод, Абдурасул ва Абдурауф муфтиларга мурожаат қилиб, мактабни ёпиш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган фатвони мухрлатадилар.
- ▶ Қози Бақохўжа фатволардан бирини тасдиқлашдан олдин янги мактабдаги таълим тартибларини ўрганишга қарор қилади ва мирзо Абдувоҳиддан дарсликлар ҳамда мактаб ўқувчиларидан бир-иккитасини имтиҳон қилиши учун олиб келишини сўрайди. Қозикалон мактабда ўқитиладиган дарсликларни кўздан кечириб, улар шариатга хилоф равишда ёзилмагани; ўқиш, ҳисоб ва ёзувдан болаларни имтиҳон қилганида улар бурро жавоб берганини; амирликдаги барча мактаблар фаолиятини шу тартибга йўлга қўйиш кераклигини таъкидлаб, мактабни қўллаб-қувватлайди.

**Абдулвоҳид Мунзим ушбу воқеани кейинчалик ўзи
ёзган “Арзи ҳол”ида шундай хотирлайди:**

**“1908 йил Бухорода янги усули жадид
мактабини очдим. Мактаб бир йил фаолият
кўрсатиб, уламоларнинг тазйиқи ва ҳасадига
учради. Янги мактабнинг тарафдорлари кўп
бўлсада, аммо ғалаба мутаассиб руҳонийлар
томонида бўлди ва уламолар бу мактабни
ёпдилар”.**

Абдулвоҳид Бурҳонов – Мунзим (1875-1934)

- ▶ **Маърифатпарвар шоир, давлат ва жамоат арбоби Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов 1875 йили Бухорода таваллуд топади. Дастлабки таълимни эски мактабда олади. XIX асрнинг 90 йилларидан Абдулвоҳид Бурҳонов Мунзим тахаллуси билан маърифий шеърлар ёза бошлайди, кейинчалик эса амалий фаолиятида ҳам маърифатпарварлик билан шуғулланади.**

Абдулвоҳид Бурҳонов – Мунзим (1875-1934)

- ▶ 1918 йилдан 1920 йилнинг сентябригача Мунзим Тошкентда яшайди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, у аввал Марказий ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, кейинчалик Халқ маорифи нозир, Соғлиқни сақлаш нозир лавозимларида ишлайди.
- ▶ Халқ маорифи нозир лавозимида ишлаган Мунзим 1922 йил июнида миллий кадрлар, хусусан, муҳандислар тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХСР ҳукумати қарорининг қабул қилинишига катта ҳисса қўшади. Шу қарорга асосан, у мазкур ишни ташкил этиш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган эди. 1922 йилнинг ёзида Мунзимнинг шахсан ўзи бухоролик 44 кишини Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртларига жойлаштиради.




Абдурауф Фитрат

- У 1886 йилда Бухорода зиёли оиласида туғилган бўлиб, Бухоро, Истамбул мадрасалари ва дорилфунунларида ўқийди. У араб, форс, турк тилларини мукаммал билганлиги туфайли Шарқнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштиради. Адибнинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган бўлиб, 1918 йилгача Қашқарда туриб қолади. У асосан онаси Мустафо биби (Бибижон) тарбиясида бўлиб, ундан Навоий, Увайсий, Зебуннисо, Бедил, Фузулий каби улкан шоирлар ғазаллариини биринчи тинглаган. Фитрат 1909 йилда Туркияга ўқишга бориб, 1913 қилгача Истамбул дорилфунунида таҳсил кўрган. Туркияда ташкил бўлган “Бухоро таълими маорифи” уюшмасида фаоллик кўрсатган. Беҳбудий асос солган жадид усулидаги мактаблар тақомилига хизмат этган. Унинг илк тўплами 1911 йилда “Сайҳа” (“Чорлов”) номи билан чоп этилади. “Сайёҳи ҳинди”, “Мунозара” каби асарлари ҳам шу йилларда нашр этилган.

Абдурауф Фитрат


Абдурауф Фитрат 1909 йилда ёзилган “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусинда қилғон мунозараси” рисоласида янги усул мактабларида нафақат дунёвий, балки диний илмлар ўргатилиши зарурлигини таъкидлаб, “бу мактаб (янги усул мактаби) анчадан бери Истанбул, Миср, Боғдод, Нўғайистон ва Кавказда жорийдир. Ҳануз кимсани кофир қилгани йўқ, балки уларнинг ҳаммаси аввалгидан олимроқ, мутадайнроқ ва ватанпарварроқ бўлганлар”, – деб ёзди.



Абдурауф Фитрат

Фитрат ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш зарурлигини таъкидлаб, унга бериладиган билим унинг ёши ва билиш даражасига мос бўлишини қийинлик қилмаслиги ва зўриқтирмаслиги, агар бериладиган билим жуда осон ёки жуда қийинлик қилса, бола билим олишдан бешиб қолиши, бериладиган билимни ўқувчи онгли ўзлаштириш, муаллим берилаётган билимнинг бола учун моддий ва маданий жихатдан фойдали эканлигини тушунтира олиш керак, дейди.

Фитрат билим ва иқтидор инсон учун зарур эканлигини, бунинг учун у доимо фаол интилиш, ҳаракат қилиш лозимлиги, доимо ўз олдига мақсадлар қўйиш ва унга етишиш учун курашиши кераклигини, ҳеч бир бахт ёки бойлик ҳам инсон интилмаса, ўз-ўзидан келмаслигини уқтириб ўтади ва бу ўринда Қуръони Каримдан қуйидагини келтиради: “Инсон ҳар нима топмасин, ўзининг интилишидан топади, интилмас экан, ҳеч нарсага эриша олмайсиз”.




Фитратнинг танқидий фикрлаш ҳақидаги фикрлари

Ёмоннинг ёмонлигини, яхшилигини муҳокама орқали тушунтиринг, доимо шунга диққат қилингки, болалар ҳеч нарсани кўр-кўрона тақлид сифатида қабул қилмасинлар. Маданиятли авомлар (қавмлар, халқлар) ўз мактабларида ҳисоб, тарих, маданият, физика, жўғрофия, ашёвий дарси ва бошқа махсус фанларни юқоридаги икки мақсад – (Исбот ва Истиқомат мақсадлари)га жалб қилиш учун ўқитадилар” дейди Фитрат.

Садриддин Айний (1878-1954)




- ▶ Ёзувчи, олим ва жамоат арбоби Садриддин Саидмуродзода Айний 1878 йили Бухоро вилояти, Гиждувон туманида туғилган. Ўзбек ва тожик тилида ижод қилган. Тожикистон Фанлар Академияси академиги ва биринчи президенти (1951-1954), Ўзбекистон Фанлар Академияси фахрий аъзоси (1943), Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940), филология фанлари доктори (1948), профессор (1950).
- ▶ Айний Бухорода янги усулдаги мактаблар очади, улар учун ўқув қўлланмалар, оммани илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоялардан иборат “Ёшлар тарбияси” (1909) дарслигини тузади. “Ёш бухороликлар” ҳаракатида фаол қатнашади.



САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

- ▶ Айний 1927-29 йилларда “Дохунда” (тожик тилида), 1934 йилда “Қуллар” (ўзбек тилида) романларини яратди. Қуллар романида ўзбек ва тожик халқининг юз йиллик ҳаёти акс этади. Айнийнинг “Эски мактаб” (1935) асарида эски мактабдаги ўқиш ва ўқитиш ҳақида ҳикоя қилинади. Иигирманчи йилларда эълон қилинган қатор ҳажвий асарларини эълон қилди. “Яна бу қайси гўрдан чиқди”, “Пулинг ҳалол бўлса, тўй қил” (1924), “Машраб бобо”, “Ей, тўним” (1925), “Билганим йўқ”, “Кенгаш” (1926) каби ўзбекча фельетонлари, ҳажвий шеър ва мақолалари, айниқса, “Судхўрнинг ўлими” (1939) ҳажвий повести ёзувчининг моҳир сатирик эканлигини кўрсатиб берган.

SADRIDDIN AYNIIY IJODI




САДРИДДИН АЙНИЙ ИЖОДИДАН

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?
Санинг мислингни Туркистон тополурму, тополмасму?
Сан, эй устои олийшон, эдинг ажубаи даврон,
Отингни тилга ҳар инсон буюк ҳурмат-ла олмасму?
Санинг тарихий давронинг, санинг осору урфонинг,
Санинг номинг, санинг шонинг жаҳон қолдиқча қолмасму?
Санинг кўксунг чўкулганму, санинг белинг букулганму?
Санинг қонинг тўкулганму? Муни(нг) ҳеч ким сўролмасму?
Бошингни кесдуран қотил, у бадтийнат, у сангин дил,
Худодан гар эса ғофил, халойикдан уёлмасму?
Ватан авлоди ёд этди, сани ҳурмат-ла шод этди,
Ва лекин интиқомингни ололурму, ололмасму?

Пўлатхўжаев Усмонхўжа (1878-1968)

- ▶ Пўлатхўжаев Усмонхўжа илк жаид мактабларидан бирини очди.
- ▶ Истанбулда тахсил олиб қайтгач 1913 йил Усмонхўжа Бухорога қайтади ва яна жаид мактаби очади.
- ▶ Усмонхўжа БХСР тузилгач, молия нозири (1920), давлат назорати нозири (1921), БХСР МИКнинг биринчи раиси каби лавозимларда ишлади. У Бухоро Халқ Республикасидан босқинчи қизил аскар қўшинларини олиб кетилиши, Бухоронинг ҳақиқий мустақиллиги учун курашади.



БУХОРО ЖАДИДЛАРИ ҲАҚИДА

Тарих институти раҳбари Азамат Зиё жадидчилик ҳаракати фаолларидан бири бўлган Садриддин Айнийга асосланиб айтишича, Бухоронинг ўзида 3 мингдан ортиқ жадид бўлган. Тарихчилар айни пайтгача уларнинг 250 га яқинининг шахси аниқланган.

“Улардан кўпчилигининг таржимаи ҳолларини топиб ёздик. Ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ йиғиш мумкин бўлган маълумотларини, жадидчилик бўйича қилинган илмий ишларини ҳам тўпладик”, – дейди Азамат Зиё.

Жадидчилик дунё нигоҳида

- **2023 йил 11-12 декабр кунлари Тошкентда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги конференция жаҳон илм-фан ва маданий жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш ва эътибор уйғотди.**
- **Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, “Шахидлар хотираси” жамғармаси ҳамда жамоатчилик вакилларининг “Жадид” номли янги газетаси 2024 йил 1 январдан чоп этила бошланди.**
- **Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи бунёд этилади.**



“ЖАДИДЛАР: МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИСТИҚЛОЛ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.



Ш.М.Мирзиёев